

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят иши тугатиш тўғрисида)

2025 йил сентябрь ойининг 17-куни жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, А.Рахимовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Р.Мерзаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Когон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Р.Жабборов, гумон қилинувчи С.Бобоқулов ва унинг ҳимояси - адвокат Х.Жумаева ҳамда жабрланувчи Б.Мурадовнинг иштирокида,

Бобоқулов Сардорбек Сирождидин ўғли (Boboqulov Sardorbek Sirojiddin o'g'li) 2003 йил 3 июнь куни Когон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, муқаддам судланмаган, Когон тумани, “Сараён” МФЙ, Сараён кўчаси, 31/6 уйда яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан 1-2003-2501/153-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, С.Бобоқулов қасддан жиноят содир этиш йўлига ўтиб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2025 йил 14 июль куни соат 12:00 ларда қариндоши Б.Мурадовнинг Когон шаҳар, “А.Навоий” МФЙ, Бухорошоҳ кўчасида жойлашган “Сохибкор деҳқон бозори”нинг автотураргоҳида тўхтаб турган “Nexia-3” русумли, 80D361UA давлат рақамли автомашинаси олд ўриндиғида йўловчи тариқасида ўтирганлиги ва қариндоши Б.Мурадовнинг бозор ичига кириб кетганлигидан ҳамда унинг автомашинада йўқлигидан фойдаланиб, автомашинанинг бардачоғида бўлган, Б.Мурадовга тегишли ҳамён ичидан жами 1.100.000 сўм миқдоридаги пулларни яширин равишда талон-торож қилиб, жабрланувчига моддий зарар етказиб, ўғирлик жиноятини содир қилган.

Суд мажлиси жараёнида жабрланувчи Б.Мурадов ариза билан мурожаат қилиб, С.Бобоқулов билан ярашганлиги муносабати билан, жиноят ишини тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи С.Бобоқулов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим этиб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи Б.Мурадовга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда



жабрланувчи Б.Мурадов билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Б.Мурадов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, С.Бобоқуловга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи Б.Мурадовнинг ярашув тўғрисидаги аризасини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Когон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Р.Жабборов ва адвокат Х.Жумаеваларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, С.Бобоқуловнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига иқдорлигини, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини ва унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув жабрланувчи Б.Мурадов ва гумон қилинувчи С.Бобоқуловнинг хоҳиши билан бўлаётганлиги инобатга олиб, С.Бобоқуловга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчининг қонуний вакили Б.Мурадовга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганлигини қайд этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Бобоқулов Сардорбек Сирожиддин ўғли (Boboqulov Sardorbek Sirojiddin o`g`li)га нисбатан жиноят иши тарафларнинг ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Б.Мурадовга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ажрим устидан ўн кун ичида шу суд орқали Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач кссация тартибида хусусий шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

А.Рахимов

